137 *Бизга жасорат ато эт*

(Ҳаворийлар 4:29)

1. Шоҳидлик берамиз ҳар кун,
Исмингни улуғлаймиз.
Душманлар атрофда кўпдир,
Фитналар ҳам саноқсиз.
Лек бундан биз қўрқмаймиз,
Фақат Сенга бўйсунамиз.
Яҳова, бизга руҳингни бер,
Ибодат қилиб сўраймиз.

(НАҚАРОТ)

Ваъзгўйликда жасорат бер,
Қўрқувни енгиш учун.
Дадиллик ҳам Сен ато эт,
Ҳаммага айтиш учун.
Яқиндир ҳам Армагеддон,
Намоён этайлик имон.
Ваъзгўйликда жасорат бер,
Деб сўраймиз.

2. Гоҳ қўрқув қамрайди бизни,
Гуноҳкормиз биласан.
«Ҳеч ҳам тарк этмайман»,— дея,
Лафзингда Сен турасан.
Сақлагин маккор тилдан,
Ёмон нияти борлардан.
Ваъзгўйлик ишин бажариш чун
Яҳова бизга бер ёрдам.

(Нақарот)

(Шунингдек 1 Салон. 2:2; Иброн. 10:35 га қаранг.)

© 2014 Watch Tower Bible and Tract Society of Pennsylvania